Беморларда УТТ текшируви «Aloka SSD-1700» (Япония) апарати трансабдоминал конвексли датчик ёрдамида 3,5-5,0 мГц частотада текширилди. Текширувлар тўлдирилган сийдик қоғида олиб борилиб, режали амалиётли беморларда тайёргарликлардан сўнг ўтказилди. Сканерлаш қорин олд деворида кўндаланг ва бўйлама холатларда орқали текширилди. Бўйлама холатда бачадон холати, ички холати, контурлари, узунлиги ва олд-орқа ўлчами бахоланди.

2.4.1. Бачадон ва қин ривожланиш нуқсонларида МРТ текшируви

Магнит-резонанс-томография (МРТ) текширувда кичик чаноқ аъзолари холати TOSHIBA-OPART 0,34 Тл (Япония) апарати ёрдамида текширилди. МРТ кичик чаноқ аъзолари рентген контраст моддаларсиз текширилди. Кейин сагитал, аксиал ва коронар йўналишларда сийдик ажратиш ва жинсий системанинг холатини, структурасини, топографиясини ва жойлашини аниқлаш учун текширилди. МРТ текшируви ташқи магнит майдон билан водород ядроларини ўзаро магнит акс садо ҳодисага асосланган усул ҳисобланади. Натижада водород ядроларининг магнит спинлари кучли чизиқли йўналишга йўналтирилган

ва куч бевосита пропорционал майдонда бир частота билан айлантирила бошлайди. Водород ядролари электромагнит энергияни ўзлаштира бошлайди. Қабул қилинган сигнал Фурье ўзгартиргичи орқали қайта ишланади ва магнит резонанс томограммасида тўқима ва аъзоларнинг "бўлимлари"нинг анатомик

манзараси хосил қилинади. МРТ юқори даражада тўқима контрастига эга бўлиб, булар зичлиги билан ажралиб туради, бу анатомик хусусиятни баҳолаш имконини беради ва ички органлар ва юмшоқ тўқималарнинг тузилиши, кўшни органлар билан алоқалар ва муносабатлар ва гинекологик касалликлар ташхисда фойдаланиш инвазив жараёнларга эҳтиёжни камайтиради. МРТ афзалликлари қуйидагилардан иборат: инвазив бўлмаган, ионлаштирувчи нурланишнинг йўқлиги, юқори тўқима контрасти, ҳар қандай қатламда тасвири олиш қобилияти мавжуд. МРТ бачадон анатомик хусусиятларини фарқлаш имконини беради.


МРТ усуллари стандартли, классик (анъанавий) бўлиб, T1 ва T2 ташқи режимидан тасвирларни қабул қилишига кўра фарқ қилади. T1-ВИ (бўйлама релаксация вақти ёки спинли) тос анатомиясини баҳолаш, лимфа тугунлари ва ёғ тузилмалар ҳолатига баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга. T2-ВИ (кўндаланг релаксация вақти ёки спин- спинли) юмшоқ тўқималарнинг контрасти яхши бўлганлиги сабабли бачадон ва тухумдонларнинг яхши кўринади. Бачадон ва қин нуқсонларида T2 режими асосан ишлатилади.

Сурункали чанокдаги оғриқ туфайли 24 нафар (60%) беморда МРТ текшируви ўтказилган бўлиб, бошқа текширув усулларида тасдиқланмаганлиги сабабли ўтказилди. Беморларнинг 15 нафар (50%) да тухумдонлар поликистози аниқланди. Барча беморларда тўғри ичак, сийдик пуфаги ва параректал тўқима соҳасида ҳеч қандай патология аниқланмади.

2.5. Бачадон ва қин аплазиясида қўлланиладиган сигмоидал колпопоз операцияси техникаси

Операцион майдон дезинфекция моддаси билан ишлов берилгандан сўнг қин дахлизидидаги чандиқ тўқима кесилади ва чиқарилади . Ўткир ва тўмтоқ усул

ёрдамида неовагина йўли хосил қилинади (Расм 1).




Расм 1. Неовагина учун йўл (Бемор Д., 28 ёш касаллик тарихи №398/092021).




Расм 2. Неовагина учун йўл тампонада қилинган (Бемор Д., 28 ёш касаллик тарихи №398/092021).

Жарроҳлар қўллари ва операцион майдони ишлов берилгандан сўнг, тери бўйлама кесма киндик учун бачадонидан амалга оширилади. Қорин олд девори ўткир ва тўмтоқ йўл билан очилади. Кейин тос аъзоларининг текшируви ўтказилади. Ташхис тасдиқлагач, сигмоидал коллопоез амалга оширилади. Сигмасимон ичакнинг илмоқчаси ушланиб, ажратилади ва узунлиги 13-14 см бўлган сигмасимон ичакнинг резексияси бажарилади, анастомоз қўйиш билан икки қаторли атравматик чоклар билан тугайди (Расм 3).



Расм 3. Сигмасимон ичак тугуни ажратилган (Бемор Д., 28 ёш касаллик тарихи №398/092021).



Расм 4. Анастамоз қўйилган (Бемор Д., 28 ёш касаллик тарихи №398/092021).



Расм 5. Неовагина хосил қилинган (Бемор Д., 28 ёш касаллик тарихи №398/092021).

Гемостаз. Резекция қилинган ичак мезентериядан ажралиб, озиклантирувчи кон томир қисми қолдирилади. Кейинчалик, қорин девори орқали яратилган туннелда тешик хосил қилинади ва резекция қилинган ичакнинг проксимал учи бу туннелга тушади. Гемостаз. Резекцияланган ичак гумбази бачадон устига имплантацияланади. (агар мавжуд бўлса). Бачадоннинг функционал фаолияти бўлса, бачадон орқа деворидан бўйлама кесма қилиниб, эски ҳайз кони чиқиши учун амалга оширилади, кесма тугунли чоклар билан тикиб қўйилади. Қорин бўшлиғини ювиш ва тозалаш. Қорин олд девори маҳкам тикилади. (4-5-расм).


2.6. Майер- Рокитанский-Кюстнер-Хаузер синдромида тухумдонлар поликистози кузатилганда дрилляж усули

Тухумдонлардаги андроген гормонлари лютеин тўқима томонидан ишлаб чиқарилади. Дрилляж тўқима ҳажмини камайтириш орқали андроген гормонларини камайтириш. Дрилляж атамаси инглизча сўздан келиб чиққан бўлиб, таржимада "бурғулаш" деган маънони англатади. Ушбу амалиёт жинсий безларга кичик тешикларни қўллаш орқали аёлнинг мустақил тухум чиқиш имкони бўлмаганда ва бошқа даволаш усуллари ижобий натижа бермаганда қўлланилади. Тухумдонни дрилляж учун жинсий безларнинг ҳажмини ҳисобга олишлари керак. Тухумдонларнинг ҳажми икки ва ундан хам катта бўлганда ўтказилади. Бу МЦ нинг биринчи қисмида ўтказилади. Беморларда пастки-ўрта лапатомия қилинган (Расм 1).



Расм1. Беморда пастки ўрта лапаротомия (Бемор М., 25 ёш касаллик тарихи №391/092021).

Катталашган тухумдон бойламлари тутқичга олинади (Расм 2).



Расм 2. Катталашган тухумдон бойламлари тутқичга олинган.

Бунинг учун тухумдон бўшлиғида лазер ёрдамида ҳажми 2 мм дан кўп бўлмаган бир неча майда кесмалар қилинади. Кесмалар кичик бўлганлиги учун чок қўйилмайди. Кесмалар жаррохлик клейлари орқали бирлаштирилади (Видео).


Хулоса қилиб айтганда, бачадон ва қин ривожланиш нуқсонларида тухумдонлар поликистози бўлган беморларнинг ўртача ёши 22,5 ёшни ташкил қилди. Касаллик қишлоқ аҳолисида сахар аҳолисига қараганда 2 марта кўп кузатилди. Беморларнинг ижтимоий ҳолатига кўра уй бекалари беморларнинг учдан бир қисмини ташкил қилиб, талабалар ва қишлоқ хўжалиги ишчилари деярли бир хил кўрсаткични ташкил қилди. Энг кам давлат муассасаси ишчилари бўлиб, 10% ни ташкил қилди. Беморлардан олий маълумотлилар ўпчиликни ташкил қилди. Қон гуруҳларига кўра I- гуруҳ энг юқори кўрсаткич IV- гуруҳ энг кам миқдорни ташкил қилди.

Ирсий маълумотларига кўра она томонидан гипертония касаллиги ота томондан 2 марта кўп, онкопатология деярли бир хил кўрсаткич, қандли диабет она томонда кузатилиб ота томонида учрамади, туғма юрак нуқсони она томонида 2 марта кўп учради.

III-БОБ. Текширув натижалари ва хулосалар.

Олдинга қўйилган масала Майер-Рокитанский-Кюстер- Хаузер синдромида тухумдонлар поликистози учраганда аёлларда касалликнинг кечиши, келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни ўрганиш мақсадида ООО “ДОКТОР ШИФО БАХТ” хусусий шифохонасидаги 2018-2022- йиллардаги 30 нафар бемор аёллар ўрганилди.

Беморларга МРКХС ташхиси қўйилганда беморларнинг маълумоти даражаси (Расм 3.1).



Расм 3.1. беморларда ташхис қўйилганда беморларнинг маълумоти даражаси.

Майер-Рокитанский-Кюстер- Хаузер синдромида тухумдонлар поликистози ва Майер-Рокитанский-Кюстер- Хаузер синдромида тухумдонлар поликистози кузатилмаган анамнез ва инструментал тахлилидан 2 гуруҳга бўлиб ўрганилди. Умумий объектив кўриқда тана тузилиши, тукланиши, кўкрак безларининг ҳолати, тери ости ёғ қаватининг ҳолати, таянч-харакатланиш тизими, соматик касалликлари, нафас, юрак қон- томир, сийдик ажратиш системалари ўрганилди. Текширувдаги барча гуруҳ беморлари тўғри ривожланган эди. Беморларнинг умумий кўригида бўйи 158-166 см (ўртача

163 см), тана массаси индекси 25-38 (ўртача 28,5), иккиламчи жинсий белгилар, кўкрак безлари ва тукланиши нормал типда бўлиб, аёлларга хос эди.

Гинекологик текширувлардан ректоабдоминал – 30 нафар беморда, кин-абдоминал - 17 беморда ўтказилди. Гинекологик текширувда ташқи жинсий аъзолар нормал ривожланган бўлиб, тукланиш аёл типига мос. Қин дахлизи кизлик пардага ўхшаш бўлиб, озроқ бурчакли кўринишга эга эди. Ректоабдоминал текширувда: бачадон одатий жойда аниқланмади, кичик чаноқ бўшлиғида кўндаланг оғирлик пайпасланди, бачадон ортиқлари 15 нафар беморда аниқланди. 12 нафар қизларда (40%) функцияси сақланган бачадондаги қин аплазияси бўлган беморларда уретра типик жойлашган эди. Эластик хосила 17 нафар беморда аниқланиб, оғриқсиз характерга эга бўлиб, 2 нафар беморда палпацияда кучли оғриқли эди. хосиланинг ўлчами 7х5см дан 16х7см. Оғриқ кузатилган беморларда хосилалар ўлчами 7х5см дан 25х15см бўлиб, сезиларли оғриқли эди. текширилган беморларнинг барчасида параректал тўқима соҳасида ўзгаришлар аниқланмади.

Ҳамма беморларга умумклиник, клиник-лабаратор, инструментал текширув усуллари, стандарт бўйича қин суртмасининг бактериоскопик текшируви ўтказилди. Қоннинг биохимик анализи ва коагулограмма иккала гуруҳ беморларда ўтказилди.

Қин ва бачадон аплазияси бўлган беморларнинг тиббий хужжатлари ўрганилганда ирсий анамнезига эътибор қаратилди. Шу билан бирга 6 та биринчи даражали қариндошларида (20%), беморларнинг -она, опа - синглисида Штейн - Левентал синдром типига кўра репродуктив тизимда бузилишлар, 3 та беморнинг ота-онаси (10%) яқин қариндошли никоҳ - эканлиги аниқланди. Шундай қилиб, текширилган аёлларнинг 30% касалликнинг ривожланишига генетик мойилликка эга. Бундан ташқари, ҳомиладорлик даврида 5 нафар она (16,7%) ҳомиладорлик асоратлари ва соматик патологияни даволашда турли хил дорилар - гормонал, антибиотиклар, шу жумладан, ҳомила тушиш хавфи бўйича ва 3 нафар (10%)

оналар ҳомиладорлик даврида кучли вирусли инфекция билан касалланган. Буларнинг барчаси эмбрионал ривожланишнинг бузилиши учун хавф омилларидан бири бўлиши мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, иккита беморда (6.7%) иккита соматик патологияни - анемия ва юрак хасталиги (Боталов найининг битмаслиги) кузатилиб 3 ёшлигида битганлиги аниқланди. Текширилган вақтда беморларда учраган экстрагенитал касалликлар 1-жадвалда берилган.

Жадвал 3.1.

МРКХС ва тухумдонлар поликистози бўлган беморларда экстрагенитал патологиянинг тузилиши.


Нозология	1-гурух		2-гурух	
	n=	%	n=	%
Анемия	15	100	15	100
Сийдик ажратув системаси инфекцияси	9	60	6	40
Қалқонсимон без касаллиги	4	26,6	7	46,7
Таянч-харакат системаси касаллиги	2	13,3	3	20
Ошқозон-ичак касалликлари	4	26,6	2	13,3
Нафас системаси касалликлари	12	80	12	80

Юрак нуқсони	1	6,6	-	-
Тухумдонлар поликистози	15	100	-	-

Текширувдаги беморларда биокимёвий таҳлиллар ўтказилди.


Липопроteidларнинг паст зичлиги Таққослаш гуруҳида 2,9, Асосий гуруҳида 5,1 ни, Липопроteidларнинг юқори зичлиги Таққослаш гуруҳида 1,39, Асосий гуруҳида 1,47 ни, Умумий холестерин таққослаш гуруҳида 3,9, асосий гуруҳида 6,1 ни ташкил қилди.

Текширилган беморларнинг биокимёвий профили



Расм 3.2 Текширилган беморларнинг биокимёвий профили

МРКХС бўлган беморларнинг гормонал кўрсаткичлари



Расм 3.3 МРКХС бўлган беморларнинг гормонал кўрсаткичлари

3.2. МРКХС ташхисида магнит-резонанс томография

Магнит-резонанс- томография 24 нафар ўсмир қизларда сурункали тосдагаги оғриқ натижасида амалга оширилди. МРТ фақатгина ривожланиш нуқсонини теширибгина қолмай, кичик чаноқ аъзоларининг топографик ва анатомик муносабатлари, чандиқли ўзгаришлар бор ёки йўқлигини аниқлашда ишлатилди. Беморларнинг 3 нафарида қиннинг қисман аплазияси, 4 нафарида бачадоннинг иккиланиши битта қиннинг аплазияси, 3 нафарида икки шохли бачадон қин аплазияси, бачадон ичи тўсиғи аниқланди. Барча текширилган беморларда параректал тўқима, тўғри ичак ва сийдик пуфагида патологик ўзгаришлар аниқланмади.

Қин аплазияси функционал ҳолатдаги бачадон аниқланган беморларда миомерий структураси гомоген, эндометрий қалинлиги 0,2-0,3см бўлиб, менсруал циклнинг биринчи фазасига тўғри келади. Текширилган беморларнинг 6 нафарида гематоколпос аниқланди. Тухумдонлар нормал ўлчамда фолликулалар аниқланди.

Режали операцияга тайёрлашда қин суртмасини бактериологик текшириш ўтказилган бўлиб, унинг натижалари 3.2-жадвалда келтирилган. Келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, шартли патоген микроорганизмлар учраб, патоген микроорганизмлар комбинацияси кузатилмади.

Жадвал 3.2.

Текширилган беморларда қин микрофлораси

Микроорганизм тури	Беморлар сони (n,%)
Staphylococcusepidermidis	1 (3,3%)
Enterococcospp	1(33,3%)
Esherechiacolli	3(10%)
Proteus vulgaris	-
Bacterioidesspp	-
Candida albicans	1(33,3%)
Trichomonasvaginalis	-

Барча 30 беморлар тегишли тайёргарликдан сўнг сигмасимон кольпопоз операцияси ўтказилди. Тухумдонлар поликистози бўлган беморларга тухумдонни дрилляж усули қўлланилди. Операциянинг ўртача давомийлиги $70,5 \pm 5$ мин. Умумий қон йўқотиш ҳажми $-500,7 \pm 30,9$ мл. Операциядан кейинги асоратлар кузатилмади. Операциядан кейин койка кунларининг ўртача сони $6,7 \pm 1,1$ кунни ташкил қилди.

БЕМОР Т. 3, 1997 Й. Касаллик тарихи № 98/052022 Тошкент ш, Чилонзор тумани.

Ташхис: МРКХ синдроми ва тухумдонлар поликистози синдроми гиперандрогения билан (akne vulgaris).



Бемор К. S., 2003 йил, Сирдарё вилояти. Касаллик тарихи 97/082022

Ташхис-МРКХС. Тухумдонлар поликистози синдроми. Гиперандрогения (гирсутизм) билан.



Бемор М., касаллик тарихи №291, 21 ёш

Ташхис: Қин ва бачадон аплазияси ва тухумдонлар поликистози синдроми.


28.11.2021 да операция утказилди.



Лапаротомия. Сигмасимон кольпопоз. Тухумдонларни дреллинг қилиш операцияси




Текширилган беморларда операциядан кейинги биокимёвий кўрсаткичлари



Расм 3.4 Текширилган беморларда операциядан кейинги биокимёвий кўрсаткичлари

Операциядан кейин 6 ой ўтгач асосий гурух беморлари гормонал кўрсаткичлари



Расм 3.5 Операциядан кейин 6 ой утгач асосий гурух беморлари гормонал кўрсаткичлари

Операциядан кейинги даврда беморларнинг аҳволи қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланди: оғриқ синдроми, харорат реакцияси, чокларнинг холати, умумий қон текширувида лейкоцит реакцияси, қиндан ажралмаларнинг бор ёки йўқлигига.


Иккала гуруҳда ҳам оғриқ синдромини ўрганиш шикоятларни баҳолаш бўйича амалга оширилди. Беморлар қориндаги операцион жароҳатдаги оғриққа, ораликдаги оғриқдан шикоят қилдилар. Оғриққа бўлган реакция кучли, ўрта ва енгил мезонлар асосида баҳоланди. Оғриқ жавобининг қиёсий хусусиятлари 3.3-жадвалда келтирилган.

Жадвал 3.3.

Оғриқ	Асосий гуруҳ			Таққослаш гуруҳи		
	1-кун	2-кун	3-кун	1-кун	2-кун	3-кун
Кучли	6 (20%)	3(10%)	-	5(16,7%)	3(10%)	-
ўрта	18 (60%)	10 (33,3%)	9(30%)	15(50%)	10(33,3%)	10(33,3%)
енгил	6 (20%)	17(56,7%)	21 (70%)	10 (33,3%)	17(56,7%)	20(66,7%)

Жадвалдан кўришиб турибдики, иккала гуруҳда ҳам операциядан кейинги даврда оғриқ синдромининг интенсивлиги 3 кун давом етди ва деярли фарқ қилмади.

Хароратга бўлган реакция 3.6 расмда кўрсатилган.



Расм 3.6. беморларнинг хароратга бўлган реакцияси.

Субфебрил харорат биринчи куни $37,6^{\circ}\text{C}$ га ва $37,4^{\circ}\text{C}$ га, учинчи кунга келиб эса ҳар иккала гуруҳда харорат нормаллашганлиги кузатилди.

Қорин бўшлиғидаги операциядан кейинги чокни қиёсий баҳолаш иккала гуруҳда киндан ажралма таҳлили ҳеч қандай фарқ қилмади: операциядан кейинги даврнинг 5-кунида 27 (90%) асосий ва 26 (86.7%) назорат гуруҳининг киндан ажралма кам, кам миқдорда эди. Ҳар икки гуруҳда ҳам операциядан кейин 5 куни қорин олд деворининг тери устида чок йўналиши бўйлаб ҳеч қандай фарқлар йўқ эди. Операциядан кейинги 7 кунида чоклар теридан олиб ташланди, иккала гуруҳда ҳам чоклар яхши битган эди. Шундай қилиб, кин аплазияси бўлган беморларда тухумдонлар поликистози кузатилганда қўлланилган сигмасимон колпопоез ва тухумдонларни дриллаш операция вақтини узайтирмайди (асосий гуруҳда $70,5 \pm 4,9$ мин, таққослаш гуруҳида назорат гуруҳида $58,3 \pm 5,5$ мин давом этган) операциядан кейинги қон йўқотиш деярли бир хил бўлган. операциядан кейинги даврнинг учинчи кунига келиб, асосий гуруҳ беморларининг умумий оғриғига жавоб бериш назорат гуруҳи беморларининг оғриғига жавоб беришдан фарқ қилмади.

Шундай қилиб, МРКХС ва тухумдонлар поликистози биргаликда учраганда қўлланилган сигмоидал кольпопоез ва тухумдонни дриллаш беморларда даво усулининг энг мақбул томони бўлиб, аёлларда ановуляция, ва тухумдонлар поликистози натижасидаги метаболик синдромни даволашга ёрдам беради, лекин операция, қон йўқотиш ва операциядан кейинги давр албатта давомийлигини таъсир қилмайди.

Бемор М., касаллик тарихи №291, 21 ёш, ҳайз йўқлиги ҳақида 26- ноябр 2021-йилда ООО “ДОКТОР ШИФО БАХТ” хусусий шифохонасига мурожаат қилди. Анамнездан-қониқарли шароитида ўсиб улғайган ва ривожланган. Болалигида ўткир респиратор вирусли инфекциялар билан касалланган. Наслий касалликларни инкор қилади. Ҳайз бўлмаган (амбулатория шароитида бир неча марта гормонал даволанган). Турмушга чиқмаган. Обьектив кўриқда: ички органлардан ҳеч қандай патология аниқланмади.

Status gynaecologicus. Ташқи жинсий аъзолар нормал ривожланган, тукланиши аёлларга хос. Labia majora тортиб кўрилганда қин аниқланмади.

Perirectum. Тўғри ичакнинг ампуласи эркин. Бачадон ва бачадон ортиқлари палпацияда аниқланди.

Лаборатория: ФСГ, ЛГ, эстрадиол, прогестерон


Тос аъзоларининг ултратовуш текшируви: бачадон аниқланмади, 2 та тухумдон аниқланди. Тухумдонда маржон шодалари аниқланди ўлчами 6.3x7 см ва 5.8x6.2 см.

Ташхис: Қин ва бачадон аплазиси, тухумдонлар поликистози.

Беморга сигмоидал колпопоез ва тухумдонни дрилляж операция таклиф этилди. Ёзма розилик қабул қилинди. Терапевт ва анестезиолог томонидан текширилди. Операцияга қарши кўрсатмалар йўқ.

28.11.2021 да операция ўтказилди: лапаротомия. Сигмасимон колпопоез. Тухумдонларни дрилляж. Операциянинг босқичма босқич расмлари.





Бемор 3., касаллик тарихи №441, 30 ёш, ҳайз йўқлиги, жинсий ҳаёт бўлмаслигига ҳақида 10- октябр 2021-йилда ООО “ДОКТОР ШИФО БАХТ” хусусий шифохонасига мурожаат қилди. Анамнездан-қониқарли шароитда ўсиб улғайган ва ривожланган. Болалигида ўткир респиратор вирусли инфекциялар билан касалланган. Наслий касалликларни инкор қилади. Ҳайз бўлмаган (амбулатория ва стационар шароитда бир неча марта гормонал даволанган). Турмушга чиқган (2 ой). Обьектив кўрикда: ички органлардан ҳеч қандай патология аниқланмади.

Status gynaecologicus. Ташқи жинсий аъзолар нормал ривожланган, тукланиши аёлларга хос. *Labia majora* тортиб кўрилганда қиннинг пастки қисми аниқланди.

Perirectum. Тўғри ичакнинг ампуласи эркин. Бачадон кичик ҳосила сифатида ва бачадон ортиқлари палпацияда аниқланди.


Лаборатория: ФСГ, ЛГ, эстрадиол, прогестерон


Тос аъзоларининг ултратовуш текшируви: бачадон кичик аниқланди, 2 та тухумдон аниқланди. Тухумдонда маржон шодалари аниқланди ўлчами 7.1x7 см ва 6.2x7.2 см.

Ташхис: Қин ва бачадон аплазиси, тухумдонлар поликистози.

Беморга сигмоидал коллопоез ва тухумдонни дрилляж операция таклиф этилди. Ёзма розилик қабул қилинди. Терапевт ва анестезиолог томонидан текширилди. Операцияга қарши кўрсатмалар йўқ.

12.10.2021 да операция ўтказилди: лапаротомия. Сигмасимон коллопоез. Тухумдонларни дрилляж. Операциянинг босқичма босқич расмлари.





ХУЛОСА

1. Қин ва бачадон аплазияси (Майер-Рокитанский-Кюстер-Хаузер Синдромида Тухумдонлар Поликистози синдромининг ўчраш даражаси 28 % ташкил қилди. Аёлларда андрогенларнинг миқдори 40-50 % гача ошади.
2. Қин ва бачадон аплазиясида тухумдонлар поликистози синдроми бўлган беморларнинг клиник кўринишида: тана вазни ортган, акне vulgaris , гирсутизм , гормонлар ҳолати: Фсг – ($p < 0,05$), андрогенлар (тестостерон) ($p <$), биокимёвий ўзгаришлар.
3. Қин ва бачадон аплазиясида тухумдонлар поликистози синдроми билан касалланган беморларни даволашда - Сигмасимон ичакдан кольпопоз, тухумдонлар поликистози синдромида тухумдонларни дриллинг операцияси қўлланилди.

Амалий тавсиялар

1. Тухумдонлар поликистози синдроми бўлган беморларда метаболик синдромни даволаш мақсадида пархез тавсия этилади.
2. Тухумдонлар поликистози синдромида гиперандрогения белгилари кўзатилганда беморларга комбинирланган орал контрацептивлар ва метформин қўлланилиши тавсия этилади.
3. МРКХС билан сигмоидал кольпопоз операцияси вақтида тухумдонларни дриллинг қилиш тавсия этилади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Бобкова М. V., Баранова Е. Е., Адамян Л. V. Генетические аспекты формирования аплазии влагалища и матки: история изучения //Проблемы репродукции. – 2015. – Т. 21. – №. 3. – С. 10-15.
2. Кругляк Д. А. и др. Аплазия влагалища и матки (синдром Маера-Рокитанского-Кюстнера-Хаузера): этиология, патогенетические аспекты и теории формирования порока (обзор литературы) //Гинекология. – 2018. – Т. 20. – №. 2.
3. Соснова Е. А. Синдром поликистозных яичников //Архив акушерства и гинекологии им. ВФ Снегирева. – 2016. – Т. 3. – №. 3.
4. Сутурина Л. V. Синдром поликистозных яичников в ХХИ веке //Акушерство и гинекология: Novosti. Мнения. Обучения. – 2017. – №. 3 (17).
5. Адамян Л. V., Фархат К. N., Макиян З. N. Комплексный подход к диагностике, хирургической коррекции и реабилитации больных при сочетании аномалий развития матки и влагалища с эндометриозом //Проблемы репродукции. – 2016. – Т. 22. – №. 3. – С. 84-90.
6. Буралкина Н. А., Давтян Г. М., Уварова Е. V. Возможности нехирургической коррекции порока развития влагалища при аплазии матки у подростков //Репродуктивное здоровье детей и подростков. – 2016. – №. 2 (67).
7. Дубровина С. О. Синдром поликистозных яичников: современный обзор //Гинекология. – 2016. – Т. 18. – №. 5.
8. Бобкова М. V., Смолнова Т. Ю., Файзуллина Н. М. Клинический симптомокомплекс пациенток репродуктивного возраста с аплазией влагалища и матки //Акушерство и гинекология. – 2020. – №. 9. – С. 105-113.
9. Адамян Л. V. и др. Синдром поликистозных яичников в репродуктивном возрасте (современные подходы к диагностике и лечению). – 2015.
10. Адамян Л. V. и др. Гигантская миома маточных рудиментов при аплазии матки и влагалища //Акушерство и гинекология. – 2020. – №. 8. – С. 149-152.
11. Яковлев П. Р., Коган И. Ю. Эндометрий и синдром поликистозных яичников //Журнал акушерства и женских болезней. – 2018. – Т. 67. – №. 4.
12. Аракелян А. S., Попрядухин А. Ю., Карапетян Е. А. Генетические факторы развития синдрома Маера-Рокитанского-Кюстера-Хаузера (аплазии

матки и влагалища) //Проблемы репродукции. – 2020. – Т. 26. – №. 5. – С. 43-50.

13. Адамян Л. V. и др. Аплазия матки и влагалища (синдром Маера-Рокитанского-Кюстера-Хаузера) в сочетании с эндометриозом: нерешенные аспекты этиологии и патогенеза (обзор литературы) //Проблемы репродукции. – 2016. – Т. 22. – №. 3. – С. 8-14.

14. Азизова М. Е. К. Синдром поликистозных яичников с позисий современных представлений //Казанский медицинский журнал. – 2015. – Т. 96. – №. 1. 15. Уварова Е. V. и др. Применение крема с эстриолом в комплексном лечении пациенток с аплазией влагалища // Эффективная фармакотерапия. – 2014. – №. 55. - С. 8-11.

16. Панарина О. V. и др. Современнѐе представления о патогенезе синдрома поликистознѐя полих яичников (обзор литератур А. V. и др.) //Аста биомедиса ссиентифиса. – 2017. - Т. 2. – №. 4 (116).

17. Бобкова М. V. и др. Аплазия влагалища и тазовая дистопия почки-тактика ведения и возможности хирургической коррекции порока развития полов валақали органов //Российский медицинский журнал. – 2018. - Т. 24. – №. 4.

18. Подзолкова Н. М., Колода Ю. А. Современнѐе представления о синдроме поликистознѐе хнх яичников //Фарматека. – 2016. - Т. 3. - С. 8-15.

19. Беженар В. F. и др. аплазия ВЛАГАЛИ ВЛАГАЛИ (аналитический обзор) //Клиническая болниса. – 2014. – №. 3. - С. 47-51.

20. Уварова Е. V., Неруш А. F. Устройство для механического формирования искусственного влагалища из тканей вульварного колса при его аплазии или атрезии. – 2015.

21. Панделис С., Василеос К., Ефимиос Д. Обследование, тактика ведения и лечение врожденнннг х аномалий влагалища в пубертатном period //Репродуктивное Здрове детей и подростков. – 2019. - Т. 15. – №. 2.

22. L. I. и др Колесникова. Активност процессов ПОЛ у с //мен бесплодием поликистозных яичников синдромом Бюллетен експериментальной мен медицины биологии женщины. – 2016. - Т. 162. – №. 9. - С. 300-303.

23. Ананев Е. V. Синдром поликистозн узлаштирилганх яичников и беременность // Акушерство и гинекология. – 2017. – №. 9. - С. 5-11.

24. Кругляк Д. А. и др. Способ прогнозирования эффективности колпоскопии у пациенток с аплазией влагалища. – 2018.
25. Кругляк Д. А. и др. аплазия матки и влагалища матки у девочек-подростков. Комплексный эндоскопический подход в лечении // Современный эндоскопический подход в лечении, проблемы, эндоскопический подход, подростковой Медицины эндоскопический подход и репродуктивный. – 2018. - Т. 49. – №. 6. - С. 67.
26. Григорян О. Р., Андреева Е. Н. Синдром поликистозных яичников-отдаленный риск // Эффективная фармакотерапия. – 2015. – №. 5. - С. 20-25.
27. Кругляк Д. А. и др. Особенности строения половых органов девочек с аплазией влагалища и матки (синдромом Маера-Рокитанского-Кюстнера-Хаузера) // Гинекология. – 2018. - Т. 20. – №. 6.
28. Мешков С. В. сравнение отдаленных результатов хирургического лечения аплазии влагалища. // Известия Самарского научного центра Российской академии наук. – 2015. - Т. 17. – №. 1-4.
29. Дамдинова Л. В., Ле Л. А. Я. Синдром поликистозных яичников-80 лет исследований и Нов а.с. Нов а.с. направления в изучении данного вопроса (обзор литературы а.с.) // Аспирантский Сессия. – 2016. - Т. 1. – №. 5 (111).
30. Журавлева В. И., Галаутдинова Д. И. ЭФФЕКТИВНОСТЬ Лечения АПЛАЗИИ ВАГИАЛИ УЗНАЧА МЕТОДОМ Брюшинного КОЛПОПОЕЗА НА ПРИМЕРЕ СИНДРОМА МАЕРА-РОКИТАНСКОГО-Кюстера-ХАУЗЕРА // два сердца как одно. – 2015. - С. 40-45.
31. Давронова Л. С., Негмаджанов Б. В. СИНДРОМ МАЕРА-РОКИТАНСКОГО-Кюстера-ХАУЗЕРА (Диагностические Ошибки ПРИ ВЕДЕНИИ болн, С Аплазией МАТКИ И ВАГИАЛИ).
32. Найдуква А. А. и др. Возрастной аспект уровня антимюллерова гормона при синдроме поликистозных яичников. А. А. и др. возрастной и гинекология. – 2017. – №. 3. - С. 95-100.
33. Готе М. С. и др. Клинический случай порока развития матки и влагалища у пациентки с синдромом Фрейзера // Репродуктивное здоровье детей и подростков. – 2014. – №. 5 (58).

34. Гродниская Е. Е. и др. Синдром поликистозн узлаштирилганх яичников-междисциплинарная проблема //Доктор. ru.ki – 2016. – №. 3. - С. 59-65.
35. Буралкина Н. А. и др. Современныйконсервация возможности бескровного формирования неовагин у девочек-подростков с аплазией влагали влагалийконсервация и матки //Репродуктивное здорове детей и подростков. – 2016. – №. 2 (67).
36. В. В. и др Негмаджанов. Формирование АРТИФИЦИАЛЬНОГО ПРИ Аномалиях //ВЕСТНИК Врача Развития ПОЛОВЫХ ОРГАНОВ ВЛАГАЛИЩА. - С. 69.
37. I. A., Данилова И. К. Актуальные вопросы синдрома поликистозных яичников у женщин репродуктивного возраста //Актуальные вопросы медисинской Микляева науки и практики. – 2019. - С. 82-90.
- 38.Захаров И. S., Букреева Е. L. Оксидативн узаро stress при синдром поликистозн узаро яичников: прогностическое значение, возможности коррекции //Гинекология. – 2018. - Т. 20. – №. 1.
39. М. V. и др Бобкова. Семейный случай синдрома Меера—Рокитанского—Кюстера—Хаузера мен //Проблемы репродукции обзор литературы. – 2015. - Т. 21. – №. 4. - С. 17-22.
40. Чупр узлаштирилганнин В. D. и др. СПОСОБ Укрепления АНАСТОМОЗА МЕЖДУ Функционирую Узлаштирилганей МАТКОЙ И Неовлагали Узлаштирилганем У Девочек-ПОДРОСТКОВ С Аплазией ВЛАГАЛИ УЗЛАШТИРИЛГАНГА ПРИ АТРЕЗИИ И АПЛАЗИИ СЕРВИКАЛЬНОГО КАНАЛА. – 2015.
41. Гоготадзе И. N., Федорова А. I. Синдром поликистозн узлаштирилганх яичников в практике подросткового гинеколога: возможности профилактики, принцип узлаштирилганх терапии // Гинекология. – 2017. - Т. 19. – №. 2.
42. Сазонова О. М., Сазонова О. N., Кривенко Л. S. Пороки развития влагали влагали. – 2014.
43. Енкова В. V. и др. Синдром поликистозных яичников, современный //Журнал естественнаучных исследований проблему на взгляд. – 2020. - Т. 5. – №. 1. - С. 29-35.

64. Крутова В. А. и др. Алгоритм диагностики и лечения девочек с врожденными тахикардическими пороками развития органов репродуктивной системы тахикардическими // Репродуктивное здоровье детей и подростков. – 2015. – №. 1 (60).
65. Расин М. S., Житник В. P. Системное воспаление и инсулинорезистентность в патогенезе синдрома поликистозных яичников. V. S., Житник В. P. Системное воспаление и клинекология. – 2015. – №. 8. - С. 26-32.
66. Ахапкина Е. S. и доктор Клинико–анамнестические и эндокринологические особенности девочек с синдромом Маера–Рокитанского–Кюстера-Хаузера //Репродуктивное здоровье детей и подростков. – 2019. - Т. 15. – №. 4.
67. Мамедалиева Н. М. и др. Современное состояние проблемы синдрома поликистозных яичников (обзор литературы) //Вестник Казахского Национального медицинского университета. – 2015. – №. 2. 68. Арутюнян Г. А., Исмаилова Ф. К. АНОМАЛИИ РАЗВИТИЯ ЖЕНСКОЙ РЕПРОДУКТИВНОЙ СИСТЕМЫ. СИНДРОМ РОКИТАНСКОГО-КЮСТНЕРА-МАЕРА-ХАУЗЕРА //73-я Итоговая научная конференция студентов Ростовского государственного медицинского университета. – 2019. - С. 72-74.
69. Адамян Л. V., Сибирская Е. V., Журавлева С. А. Пороки развития половых органов с нарушением оттока менструальной крови у девочек // Репродуктивное здоровье детей и подростков. – 2016. – №. 2 (67).
70. Негмаджанов Б. В. Давронова Лобар Саидовна // репродуктивная гинекология и уро-нефрология таджикотлари журналы. - С. 18.
71. Ким Д. А. Клинический случай синдрома Мауег-Рокитанского-Кюстнера-Хаузера и оперативное создание неовлагалища хамшира. – 2019.
72. Зайдиева Я. Z., Balan В. E. СИНДРОМ ПОЛИКИСТОЗНЫХ ЯИЧНИКОВ. Клинико-диагностические подходы. – 2019.
73. Хороших Н. V. и др. Анализ выявленных пороков репродуктивной системы у пациентов ВГКБСМП № 10 //Молодежь, наука, бизнес, 2013-2017-й годы, медицина. – 2018. - С. 240-247.
74. Ковалева Д. S. Синдром поликистозных яичников. – 2017. – №. С9 папер сизе - С. 146-151.

75. Титов А. Ю. и др. Синдром Маера-Рокитанского-Кюстера-Хаузера с дефектом ректовагинальной перегородки (клиническое наблюдение) //ко ЛО прок то ЛО Гия. – 2015.
76. Адамян Л. V., Бобкова М. V., Сипченко Д. А. Усовершенствованная МЕТОДИКА ОПЕРАЦИИ КОЛПОПОЕЗА ИЗ ТАЗОВОЙ Брюшин С Лапароскопической Ассистенцией. – 2016.
77. Духанина Е. S., Хороших Н. V., Бригадирова В. Ю. Особенности клинической картина дан ташкари синдрома поликистозн ташкари яичников на современном этапе // Бюллетен медисинских internet-конференция. – Об ъ злаштирилганество с ограниченной отвецтвенностью "Наука и инновасии", 2015. - Т. 5. – №. 12.
78. S. V., Гусейнов Б. М. Лимфоидные образования преддверия влагалища новорожденных девочек при аномалиях внутренних половых органов //Биомедисина Шадлинская (Боку). – 2018. – №. 2.
79. Даренская М. А. ва бошқ. Анализ про-и антиоксидантной активности крови у Жен, с различн, с различн, с различн, с различн, с различн, с различн, фенотипами синдрома поликистозн, яичников и бесплодием //Акушерство и гинекология. – 2017. – №. 8. - С. 86-91.
80. Беглова А. Ю., Елгина С. I. Фенотипические особенности уровня антимюллера гормона и ултразвуков уз. х. параметров яичников у Жен уз. ен уз. репродуктивного возраста с синдромом поликистозн уз. х. яичников // Мат и дитя В Кузбассе. – 2019. – №. 1.
81. Краснобаева Е. N., Пантюхин Д. V., Мошкин А. S. Аномалии развития матки и аплазия почки в аспекте комплексного взаимодействия врачей акушеров-гинекологов и урологов //НАУКА РОССИИ: СЕЛИ И Задачи. – 2019. - С. 72-78.
82. N. V., Котлова Т. А. Ехографические МАРКЕРЫ ВРОЖДЕННЫХ АНОМАЛИЙ Развития МАТКИ мен ВЛАГАЛИЩА У ПОДРОСТКОВ С Первичной Аменореей //Международный журнал прикладных мен Наумова фундаментальных исследований. – 2016. – №. 4-1. - С. 236-238.
83. Богомоллов П. О. и др. Клинические паралели и оп. противовирусной терапии при хроническом гепатит с синдромом поликистозн а. s. Клиническая яичников // Эксперименталная и клиническая гастроэнтерология. – 2020. - Т. 174. – №. 2. - С. 71-79.

84. ГЛ узлаштирилганбина Т. М. и др. Проктосигмоидалн Узлаштирилганй колпопоез: оперативная тактика в узлаштирилганбора у девочек в раннем подростковом period с синдромом Маера-Рокитанского-Кюстнера-Хаузера //Репродуктивное здоровье детей и подростков. – 2016. – №. 3 (68).
85. Андреева Е. N., Шереметева Е. V., Аракелян А. S. Хирургические аспектлари, лекения синдрома поликистозн, Яичников // проблемаси, Репродукции. – 2020. - Т. 26. – №. 5. - С. 65-71.
86. Аномалии развития, неправилен развития положения женских полов полов органов. – 2019.
87. Кузмин А. V., Linde В. А., Ермолова Н. V. резултат Сравнительного изучения лапароскопических методов создания неовагин с синдромом маера-Рокитанского-Кюстера-Хаузера //Журнал акушерства и женских болезней. – 2016. - Т. 65. – №. S.
88. Галу Унингенко Е. М., Petrov Ю. А. Синдром поликистозн.а. S. яичников.: вчера, сегодня, завтра //Синергия Наук. – 2018. – №. 21. - С. 232-237.
89. Уварова Е. V. и др. Формирование неовлагали бутем комплексного неоперативного колпопоеза у пасиенток с синдромом Маера-Рокитанского-Кюстера-Хаузера //Репродуктивное здоровье детей и подростков. – 2014. – №. 6 (59).
90. Полянин Д. V. и др. СПОСОБ Формирования НЕОВЛАГАЛИ УЗИНША ИЗ Париетальной Брюшин Узинша МАЛОГО ТАЗА Лапароскопическим ДОСТУПОМ ПРИ синдром МАЕРА-РОКИТАНСКОГО-Кюстнера-ХАУЗЕРА. – 2020.
91. Татарчук Т. F. и др. Особенности оперативного лечения редких форм аномалий развития полов узнх органов у девочек // Укра УЗНСКИЙ ЖУРНАЛ Дитячо Узндокринологи узн. – 2013. - С. 73.
92. Кузмин М. Ю., Игумнов И. А., Сутурина Л. V. Problem, совладаю, совладаю, поведения у Жен, с синдромом поликистозн, Сутурина Л. V. Problem, ижтимой муаммоларни замонавий тадқиқ қилиш. – 2017. - Т. 8. – №. 11.